

13 «12»2022 yil.

867-13-191-XТ/2022-son

Хўжайли тумани

Хўжайли тумани Халқ таълим бўлими номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар Б.Хафизов бир томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан ва МЧЖ «NUKUS BEXRUZ QURILISH» номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар У.Аламинов иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан, Хўжайли ХТБ га қарашли 38-сонли умумий ўрта таълим мактаб биноси жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қулланилади:

Ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган узғаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги туғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши туғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови туғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

Вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Хўжайли ХТБ га қарашли 38-сонли умумий ўрта таълим мактаб биноси жорий таъмирлаш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 10-октябр кунги (электрон баённома, Лот №202060) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан

15% ҚҚС 117 104 347 сўм 83 т. (Бир юз ўн етти миллион бир юз тўрт минг уч юз қирқ етти сўм 83 тийин) билан Хўжайли ХТБ га қарашли **38-сонли умумий ўрта таълим мактаб биноси жорий таъмирлаш** буйича қурилиш ишларини бажариш учун жами **897800000 (Саккиз юз тўқсон етти миллион саккиз юз минг) сўмни** ташкил этади. (Пудратчи У.Аламинов)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг кучи ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- 1-иловага мувофик қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан қелишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чироқларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссик овқат билан таъминлаш;

- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тутрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бошатиш;

- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофик, ҳар ҳисобот ойнанинг 25 санасигача бажарилган ишлар тутрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, акс ҳолда ҳисобот ойда 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хоҳиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиҳа смета ҳужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бирой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» узаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати Пудратчининг ҳисоб рақамига шартнома бўйича умумий қийматининг аванс пуллари келиб тушган кунидан сунг 60 (олтмиш) кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс утказди, қолган 70 % маблағ топширилган иш ҳажмининг бажарилишига мувофиқ (ҳисоб-фактура, далолатнома асос) тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

19. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

20. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда ҳабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

21. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

23. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

24. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

28. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

29. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.

30. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

31. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

32. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

33. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурулишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

34. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

38. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни

3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни қуриклaш.

40. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қурикланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект кабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари.

42. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан қўп вақтга қўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай қоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

44. Агар томонлар 2 ой ичида қилиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қўрилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

45. Қўрилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қўрилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қўриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

47. Пудратчи қўрилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кўн олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қилишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

49. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қўрилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан қўрилиш учун қўлланиладиган қўрилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, ўлдар бартараф этилгўнга қадар фойдаланишни давом эттириш имқонини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва қала ишларни, жўмладан ускуналарнинг қамчиликларини далолатномада қўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у

холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш.

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боглик бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан 1 ойдан қу вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қу қайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига рио я этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қелади ган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тугатиб қу қилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бирой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган қойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қу қилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

58. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар қоолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавабгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига рио қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир қун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 қойзи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 қойзидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туқайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккипчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифдаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Нукустуманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация қилиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

69. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари бўйича тузилган бош шартнома бўйича мажбуриятлар сакланиб қолиниши шарт билан мустақил амалга оширилади.

70. Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

72. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

74. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб ҳудудий газначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

75. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик қучга эгадир.

XVII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

76. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилинмасликка келишиб оладилар.

77. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

78. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эъвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатлар амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

79. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳар қандай вақт ва шаклда қуйдаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга ҳилоф равишда олинадиган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қиммат қарашлилигини яширишга; д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

80. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослари, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий

ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

81. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар тамонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийқ ўтказилмаслигини қафолайдилар.

82. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 5.4 ва 5.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

БУЮРТМАЧИ:

Хўжайли тумани Халқ таълим бўлими
Манзили: Хўжайли тумани, Ипак йўли
кўчаси, 72 уй

Телефон: 61554-10-52

Банк: МБ Тошкент шаҳри

Х/Р: 23402000300100001010_

МФО: 00014 ИНН: 20112919

ИНН: 200395864

Хўжайли тумани Ҳазначилик
бўлими

Х/в: 100022860352367092100075123

Х/в:

ОКОНХ 97600

Раҳбар: Б.Хафизов

ПУДРАТЧИ:

МЧЖ "NUKUS BEXRUZ QURILIS"

Манзили: Нукус шаҳри, И.Каримов
кўчаси, 102 уй

99-577-22-22

2188057

Банк: АТ Алоқабанк Қорақалпоғистон
худудий КХКМ

х/р: 2020 8000 7049 5360 2001

ОКЭД: МФО: 00401

Раҳбар: У.Аламинов



	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	BAXADIR XAFIZOV SALAMATDINOVICH
	Imzolangan sana	12.12.2022 15:52
	Hujjat kodi	PE2480261885
	Hulosa kodi	DM5700085714

**Коррупцияга қарши қоидаларининг
АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Хўжайли тумани Халқ таълим бирлашмаси ва «NUKUS BEXRUZ QURILISH» МЧЖ ходимлари ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
товламачилик қилиш;
пора сифатида пул тўлаш;
бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон Хўжайли тумани Халқ таълими бўлими ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган 10-06-рақамли ишонч телефони;
Телеграм-канал - (“@QRKQGAK_bot”).

Шахсан Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг <http://www.uzedu.uz/> ижтимоий тармоқдаги манзилларига хабар қилиниши лозим.

ТОМОНЛАР:

“Етказиб берувчи”
«NUKUS BEXRUZ QURILISH» МЧЖ

У.Аламинов



“Буюртмачи”
Хўжайли тумани
Халқ таълими бўлими

Б.Хафизов



«ТАСТЫЙЫК ТАЙМАН»
Хожели районы Халык билимлендириу
болими баслыгы
Б.Хафизов
«13» декабрь 2022-жыл

Хожели районы Халык билимлендириу болими «Товар-материаллық запаслар хэм ислерди хызметлерди) сатып алыу бойынша таңлау комиссиясы»ның ен жақсы уынысларды таңлап алыу бойынша откерилген мәжлис баянламасы

2022-жыл «13» декабрь

Хожели районы

Катнасыўшылар
Комиссия баслыгы

(Ф.И.Ш)
Б.Хожамуратов

(Лаўазымы)
Эксплуатация бөлими баслыгы у.у.а.

Комиссия ағзалары

О.Аметов
Ж.Танатаров
Б.Матниязов
Б.Сайпназаров

Бас есапшы
Ст Бухгалтер
Бухгалтер
Бөлим канигеси

КҮН ТӘРТИБИ:

Хожели районы Халык билимлендириу болими - Таңлап алыу комиссиясы баслыгы Б.Хафизов мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып етип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усинды:

Өзбекстан Республикасынын 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы «Мамлекет сатып алыўлар хаккында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда-Нызам) 58-статьясына муапық ең жақсы усынысларды таңлап алыу откерилиўи хаккында арнаўлы информацийон порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлап алыу катнасыўшыларыныңкабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрөпинен жеке кабинети арқалы жайластырылган 2022 жыл 30 ноябрь күнги 22110012202060-санлы лот бойынша 2022-жыл 7-декабрь күнги электрон баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы «Мәмлекетлик сатып алыўлар хаккында»ғы Нызамы талапларына хэмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапқа алып Таңлау комиссиясы

ҚАРАР ЕТЕДИ:

1. Хожели районы Халык билимлендириу болими имаратын женил ремонт жумысларын әмелге асырыўоткерилген таңлап алыўда таңлап алыу хужжетлеринде хэм таңлау шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усинған хэм таңлап алыў женимпазы деп табылган " NUKUS BEHRUZ QURILISH" ЖШЖ 897 800 000 сум (ҚҚС пенен бирге) менен шартнама дузилсин.
2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийкарында шәртнама дүзиўден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиў хукукы кейинги катнасыўшы (резерв) етип, " HIMALAY LYUKS STROY" ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз катнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шәртнама дүзиў мүмкинлиги белгилеп койылсын.
3. Мекеменин бас есапшысы-О.Аметов таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацийон порталына (www.etender.uzex.uz) жайластырыу тапсырылсын.
4. Таңлау комиссиясы хаткери (А.Каймоллаев), усы таңлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте саклануын тамийинлесин.


Катнасыўшылар

Комиссия баслыгы

Комиссия ағзалары



Б.Хожамуратов



О.Аметов



Ж.Танатаров



Б.Матниязов



Б.Сайпназаров

**YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDÍÑ NÍZAM
HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGI HAQQÍÑDA HUQÍQÍY
JUWMAQ**

DM5700085714

1. Joybardiń túri : Shártnama
2. Joybardiń ataması: Pudrat shártnaması
3. Joybardı islep shıǵıwshı hám kirgizilgen sáne haqqındaǵı maǵlıwmat: Xojeli rayoni Xalıq bilimlendiriw bólimi tárepinen 12.12.2022-jılda kirgizilgen.

Joybar ámeldegi nızam hújjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan hám onı qabıl etiw maqsetke muwapıq.

**Xojeli rayoni
yuridikalıq xızmet
kórsetiw orayı
bas yuriskonsultı:**



N.J.AMANGELDIYEVA

12.12.2022